

ЁШ ДИРИЖЁРЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ЗАМОНАВИЙ МЕТОДИКАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Барча мусикий касблар каби дирижёрлик ҳам ўта мураккаб ва масъулиятли касб ҳисобланади. Ўз созининг устаси бўлмиш ҳар қандай мусиқачи, яккаҳон солист ёки ижрочи бўлсин, у ўзи чаладиган мусиқа асбобининг сир-асрорини жуда яхши билади ва ижро этиш жараёнида уни чуқур ҳис қилади. Дирижёр учун мусиқа асбоби сифатида оркестр ёки хор, яъни катта бир жамоа хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, оркестр-дирижёр кўлидаги унга итоат этадиган ва бўйсунадиган асбобдир. Чунки дирижёрнинг ҳар бир ҳаракати у томонидан инобатга олиниши шарт. Шу боисдан ҳам дирижёр асарни бир ўзи сероҳанг ва ранг-баранг қилиши учун барча ижрочиларни жамлаб, ҳар бирини алоҳида ўйлаган ва жонли сезган ҳолда уларни бошқаришга киришади. Бу борада ҳар бир дирижёр ўз жамоси олдида масъулдир. Дирижёрлик санъати, танланган мусиқа асарини ижодий талқин қилиш билан бирга ўзининг бадиий интилиши ва ҳаракатлари дойрасида ўз жамоасига ижодий таъсир кўрсата олиши билан ифодаланади.

Ўз навбатида, дирижёр яхши эшитиши ва кўриши, чакқон ҳаракат қила олиши, асарнинг бадиий тузилишини билиши, ҳар бир чолғу асбобининг табиатини ва ҳажмини аниқлаши, партитурани ўқиши ва ундан ташқари махсус (деярли таърифлаб бўлмайдиган мислсиз) қобилият эгаси бўлиши лозим. Шундагина дирижёр ва у бошқараётган жамоа ўртасида узвий боғланиш юзага келади. Шу фикрларни ҳамда тегишли тавсияларни ҳисобга олган ҳолда бугунги ёш дирижёрларнинг ушбу касбга бўлган интилиши, маҳоратидан ташқари, келажак фаолиятида дуч келиши мумкин бўлган муаммоларга тўхталиб ўтамыз. Бугунги кунга келиб, Республикамызда турли йўналишдаги кўплаб оркестрлар фаолият кўрсатмоқда. Шулар қаторида симфоник ва халқ чолғулари оркестрлари жамоаларида тажрибали ва иқтидорли дирижёрлар ижод қилиб келмоқда. Катта бир жамоани бошқариш, уни ҳар томонлама тарбиялаш ва натижада юқори касбий (профессионал) ижро этишни таъминлаш учун аввало дирижёрнинг ўзи кучли билим ва истеъдод соҳиби бўлиши лозим.

Ёш дирижёрларнинг ушбу касбга бўлган қизиқишларини кадрлаш ва тарбиялаш мақсадида олий ўқув юртларида дирижёрлик синфлари ташкил этилган. Дирижёрлик методикаси ушбу касбга қизиқувчиларнинг ижодий қобилиятларини шакллантиришда алоҳида ўринга эга бўлган фан ҳисобланади. Ўқитиш жараёнида устоз талабага, бу касбнинг моҳиятини тушунтириш билан бирга ушбу соҳага бўлган муҳаббатини, куч-ғайрати ва иродасини намоён этиши керак. Энг муҳими, у бўлажак касб эгаси қатъий фикрлайдиган ҳамда ижодий ютуқларга эришиш йўлида тинимсиз изланадиган ижодкор шахс сифатида шаклланиши зарурлигини ўқитириши керак.

Таҳсил олаётган ёш дирижёрларни тарбиялашда энг аввало замонавий ўқитиш услубларидан фойдаланиш лозим. Уларнинг қобилиятидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда фикрлашга ундаш, устознинг кўрсатмалари ва маълумотлари орқали талабага керакли йўналиш кўрсатилиши талаб этилади. Ижодий фаолликнинг тавсифида ёш дирижёр чуқур билим олишга интилади, шу интилишлар орқали у эшитмаган ва билмаган кўрсатмаларига дуч келади, вазиятларга эса одилонга ечим топишга ва уларни енгишга ҳаракат қилади.

Масалан, талаба устознинг кўрсатмаларини қийинчилик билан бажарадиган бўлса-да, лекин устоз унинг қўлларидан тетиклик ёки ноқулайлик ҳолатларини сезган бўлса, у кўрсатмаларни қай даражада сезиши ва кўрсатишини ўз ихтиёрига қўйиши лозим. Бу вазиятда (агар мантиқан тўғри кўрсатилса) талабадан нималарга асосланиб ҳаракат бажарилганлигига изоҳни сўраб ўтиш ҳам фойдали. Якка тартибдаги машғулотлар ёш дирижёр учун унинг келажакда шаклланишида ва рағбат уйғотишида катта аҳамият касб этади. Ҳаракатлар натижасида у ҳар бир дарсдан сўнг янги билимга бойиганини сезиши керак. Албатта, бунда дарсдаги муҳит, кайфият ижодий ва кўтаринки руҳ бўлиши лозим. Шунда дарс бамисоли ҳамжиҳатлик билан иш юритадиган икки ишбилармон кишиларнинг ҳамкорлигига айланади.

Албатта, аввало унинг биринчи устози илк бор дирижёрлик таёқчасини қўлига тутқаётганда унга ушбу таёқча унинг ўнг қўлининг давомчиси эканлигини ва барча ҳаракатлар ички туйғу ва сезиш қобилиятига тўғри келиши кераклигини тушунтириб борса, қўйилган мақсадга эришади.

Дирижёрлик услубларини эгаллашда дирижёр онгида мусиқий асарнинг қиёфасини гавдалантириши, қўл ҳаракатлари, имо-ишора орқали асар характерини кўрсата олиши керак. Бунда *метр* (узунлик ўлчови), *темп* (тезлик даражаси), *ритм* (вазн текислиги), динамика ва товушнинг боши ҳамда тугатилиши тушунчалари асос бўлиб хизмат қилади. Дирижёрнинг ҳаракатларида узунлик ўлчови, *амплитуда* (ҳаракат кенглиги) ҳаракат тезлиги, куч ҳамда йўналтирилган натижа катта аҳамиятга эга. Бунда ички ҳис-туйғу унинг бармоқлари ва қўллари орқали ижрочиларга тўғридан-тўғри ижодий *контакт* (боғланиш, ҳамжиҳатлик) муносабатлари орқали вужудга келади.

Дирижерлик фаолиятидаги асосий вазифалардан бири унинг шахсий ички туйғуларидаги интилишлари ва таассуротлари ижро этилаётган товушларда гавдаланишининг реал ҳолатини сезиш ва уни ижрочиларга кўрсата билиши билан характерланади. Бундай вазиятларда дирижёрнинг қўллари, гавда қисми, кўзлари ва юзидаги ифодалар қаршисида ўтирган ижрочилар аниқ кўриб, сезиб туришлари ҳамда тушунишлари керак. Дирижёрнинг энг асосий қуроли – бу унинг қўллари ва нозик ҳаракатлари ҳисобланади. Шу боисдан ундаги ҳар бир ҳаракат асосли ва ўринли бўлиши лозим.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, дирижёрлик жуда нозик ва масъулятли касб. Чунки у бутун жамоанинг ижодий фаолиятини бошқариб, юргизиб турувчи шахс ҳисобланади. Бу касб ўзининг умумийлиги, профессионал жиҳатдан ўзига хослиги, инсон руҳиятини кўтаришга хизмат қилиши билан бошқа касблардан ажралиб туради.

Катта бир жамоани жамлаш, у билан якдилликни тасаввур этиш ва кўзланган натижага эришиш учун дирижёрда етарли даражада куч, ғайрат ва ирода бўлиши зарур. Ана шу хусусиятларга таянган ҳолда барча тўсиқ ва мураккаб вазиятларни енга олган тақдирдагина у жамоа орасида ўз ўрнини топади.

Шу борада дирижёр ҳамда оркестр ўртасидаги узвий алоқа йўналишларини таҳлил қилиганда қуйидагилар аниқланади:

- дирижёр ўз жамоаси олдида катта масъулиятни сезиши, асарнинг умумий мазмунини билиши, қайси товушдан қандай натижа олишини ҳис этиши,

йўналишнинг моҳирона ижросини талаб қилиши ва бажарилган ишнинг натижасини баҳолай олиши керак;

- танланган ва жамоа ижро этаётган мусиқа асарини шундай намоёиш этиш керакки, у ўзига қанчалик ёқишини, уни яхши билишини ва севишини кўрсата олсин;
- олқишлар қачон келади, қачонки мусиқачилар ўз дирижёрини ҳурмат қилса;
- дадиллик ва абсолют равишда ўзига ишониш, асарнинг усули ва динамикасини яхши билиш;
- оркестр жамоасини ғайратлантириш, унга қувват ва илҳом бериш, ижро этилаётган асардаги ички туйғу ва ҳолатларнинг чегараси йўқлигини билдириш;
- ижро даражасини ушлаш, бир гуруҳ иккинчи гуруҳдан товуш сифати юқори ёки пастлиги мувозанатини сақлай билиш;
- оркестр жамоаси асарни завқланиб ижро этаётганда унга халақит бермаслик (чунки мусиқачининг ўзи ҳам ижодкордир);
- жамоанинг ижро имкониятларини яхши билган ҳолда, вақтдан унумли фойдаланиб, ҳал қилиб бўлмайдиган муаммоларга кўп тўхталмаслик;
- оркестр жамоаси қаршисида дипломат бўлиш, нотўғри чалган ёки тоза ижро эта олмаган мусиқачини бутун жамоа олдида қаттиқ ранжитиб, ўз айбини тан олдирмаслик, чунки ижрочи тоза ижро эта олмаганини барча эшитиб, билиб турибди;
- бажарилган ҳар бир ижобий ҳаракат, машқ ва ижрони меъёрига етказгандан сўнг, жамоани руҳан қўллаб-қувватлаш, масалан, “келажақда биз бундан ҳам яхши натижаларга эриша оламиз”, деб таъкидлаш лозим.

Ҳар бир дирижёрнинг ҳаракатлари ва кўрсатмалари нафис, оддий ҳамда мусиқавий аниқ бўлиши лозим. Дирижёр жамоадаги ижрочиларга қўллари, бармоқлари, имо-ишораси, ҳаракатлари орқали ўз фикрларини етказа билиши керак. Шунинг учун дирижёр оркестр билан машқ қилишдан олдин "ижрочиларга қай даражада кўрсата олсам аниқ бўлар экан" деб, ҳар бир жумлани таҳлил қилиши керак бўлади. Оркестр билан машқ вақтида эса, ҳар бир гуруҳга алоҳида эътибор қаратиб, мурожаат қилиш лозим. Ҳар бир ижрочи дирижёрнинг ҳаракатлари, имо-ишорасини ўз партиясидан кўз узмасдан ҳам сезиб ижро этиши мумкин. Шу маънода, дирижёр мусиқани ўта юқори эшитиш қобилиятига эга бўлса ва ўзининг бадиий ҳамда ижодий йўналишлари орқали барчага аён қилса, тингловчи билан мусиқачи ўртасида бирдамлик туйғуси вужудга келади. Дирижёрдаги ички туйғу, ҳиссиёт (эмоция) унинг қобилияти ва қанчалик чуқур билимга эга эканлигидан далолат беради.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда дирижёрдаги ички ҳиссиёт ва таъсирчанлик қуйидагилар билан белгиланади:

* дирижёр ҳар доим ёрқин шахс бўлиши керак. Бунда у қобилияти ва ҳиссиётидан ташқари, энг асосийси, одамийлиги билан жамоаси олдида ўзини намоён эта олиши лозим;

* жамоа билан машқ пайтида дирижёр ғайрати етгунча асардаги энг маъноли ва таъсирли ҳолатларга, ундаги бадиий қиёфани ёрқин тасвирлашга ҳаракат қилиши керак. Дирижёрнинг мимика ва ҳаракатлари аниқ ва индивидуал равишда пухта ишланган бўлса, асардаги барча бадиий образларни қамраб олиш осон кечади;

* дирижёр асарда кўрсатилган ғоявий-назарий тафаккурни яхши ўзлаштириб олса, бадий асарда эмоционал ҳаракатларни вужудга келтиради.

* концерт вақтида дирижёр, энг юқори ва юксак вазифасини ҳамда бурчини адо этишда диққат-эътиборини кучайтириши лозим;

* дирижёр оркестр билан машқ қилганда ҳар доим жамоага керакли бўлган эмоционал кайфиятни яратиши, ижодий характерни бериши, ўз камчиликларини кўра билиши, бажарилган ишларнинг натижасини баҳолаши ва албатта, барча қийинчиликларни енга олиши керак.

Ёш авлодни муносиб камол топтиришда, уларни миллий ва жаҳон мусиқа асарларидан баҳраманд қилишда ҳамда келажакда уларнинг профессионал маҳоратларини оширишда ушбу масъулиятли соҳа эгаларига бўлган ишончимиз ҳамда умидимиз катта.

Анвар Норбеков
ЎзДК проректори, с.ф.н.